Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 215 (21. 082) 1991 йил 6 ноябрь, чоршанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Ўзбекистон овози», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. С. Шушкевич бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 5 ноябрь куни Тошкентга келди. Делегация таркибида Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари В. И. Шолодонов, Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари В. А. Заламай бор.

Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида С. С. Шушкевични, бошқа раҳбарларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Ў. Қ. Исмоилов, Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси ўринбосари Б. И. Бугров кутиб олдилар.

Делегация музокаралар олиб бориш ва республикалар ўртасидаги шартномани имзолаш учун келди.

(ЎзТАГ).

Дўстларимиз табриги

ҲАМИША ҒАЛАБА ЁР БЎЛАВЕРСИН!

● Биз, Тожикистондаги «Дўстлик»» ўзбек маданий марказининг Қўрғонтепа комитети вакиллари Сизнинг «Ўзбекистон овози» рўзномангиз орқали Ўзбекистон пахтакорларининг улкан ғалабаси — пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилганлиги билан чин қалбдан табриклаймиз! Қардошларимизнинг бу катта муваффақиятидан ғоятда мамнунмиз. Сизнинг халқингизга ҳамиша омад ёр бўлаверсин ва ҳаётлари доимо гулгун бўлсин.

«ДЎСТЛИК» КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ: МИРЗОАФИЕВА, ШОИМОВ, СОБИТОВ, МАМАРАҲИМОВ, ПАРПИКОВ, БОТИРОВ.

● СУРАТДА: гилам тўқувчи О. Жуманиёзова, уста М. Ёқубова ва ишчи Д. Ёқубовани кўриб турибсиз. Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу чаққон ишчилари ҳар сменада 48 ўрнига 55—60 квадрат метр гилам буюмлар тўқиб чиқаришга муваффақ бўлишяпти.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЗАМИН УЗРА КАМАЛАК

(«БОТИР АКАГА МАКТУБЛАР» ТУРКУМИДАН)

● Ботир ака, бугунги тўйнинг залварли одимлари бўйлаб уфураётган тантаналари тўрида сархуш ўтирганлигингизни сезяпман. Сизнинг ёнингизда кўкраги турли нишонлар билан безанган отахонларнинг, ҳиёл ерга эгилган кўйи майин тебранаётган момоларнинг турли чеҳраларини кузатиб турибман. Уларнинг қадоқ қўллари мана шу Мирзачўл бағрини гулистонга айлантириш, умиди ила қабарган, қакроқ заминни бўстонга айлантирган ва афсонавий юмушни бажара туриб ўзини камтарона четроққа олган. Бу авлод-аждодларимиздан ўтиб келаётган анъана. Умидимиз шуки, бу анъаналар яна минг асрлар давом этгуси!

Мирзачўлнинг қайси бир минтақасига қадам қўймайлик, сиз таъкидлаган, ҳавас қилган қаҳрамонлар ҳузурида бўлдим. Демак, заминнинг ҳар бир қаричи ҳаммамиз учун муқаддас. Бу муқаддас заминнинг мўътабар одамлари билан бирга суҳбат қурсангиз яйраб кетасиз.

Ворошилов районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодирқул бобо Султонов ҳузурида бўлганимиз ёдингиздами? Не-не йиллар у жамоа хўжалиги ташвиши билан ёнди, деҳқон бағрини бутун қилишга интилди. Шу йиллар давомида бобо ўзига ҳайкал қўйиб кетди. Бугунги кунда хўжалик отахоннинг номи билан аталиши бежиз эмас. Энди унинг ишини фарзандлари давом эттиряпти. Қодирқул бобонинг маслаҳати билан деҳқончилик илмини эгаллаган Абдукарим Пардабоев жамоага бош-қош. Бобо касби муносиб шогирдлар қўлида...

● Султон Сегизбоев номидаги давлат хўжалигини опичлаб кўтараётган қозоқ пахтакори ўзбек дўстига йўл-йўриқ бераётганидан ғурурланмай бўладими? Ёки ўзбек деҳқони ўнлаб, минглаб фарзандларини етаклаб пайкалнинг чинакам хўжайинлари қилиб тарбиялаётганлигидан яйраб кетасиз. Мирзачўл замини бугун ана шу қардошлик анъаналари билан чирмашиб кетган. Бугун ўзбек тўйи тўрини қозоқ билан тожик, рус билан қирғиз, корейс билан қорақалпоқ бир оила фарзандлари сингари безаб ўтиришибди. Куда-қудағайлар, келин-куёвлар, невара-чеваралар, кўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар шу замин, яъни Мирзачўл фарзандлари.

● Ер хазина деймиз, аммо унга шунчаки қараб турасерсангиз хазина эмас, кулфат келтиради. Ернинг хазинаси фақат меҳнат туфайли.

● Чўл дов-дарахтсиз куйдиради, ям-яшил дарахт эса тангa роҳат, ором бағишлайди.

● Илгари чўл қўйнида яккаю ягона сардоба бўларди, энди ҳар қадамда сардоба, йўқ, йўқ, ариқ-анҳорлардан сув жимирлаб оқиб турибди.

● Ботир ака, сиз айтган қаҳрамон билан учрашдим. Дарвоқе, у чўлга ниҳол бўлиб келиб, бугунги кунда чинор янглиғ томир ёзибди. Бу томир не-не одамларга бахт, меҳр-мурувват, муҳаббат улашибди. Асосийси эса ўқ томир бўлиб она юртга, ота юртга хизмат қилибди.

● Мен умримни Мирзачўлга сочганлигим билан шодман, — деди Чўли бобо. — Теварак-атрофидаги невара-чевара, эваралари қуршаб олганлиги-ю, уларнинг юзидаги табассумдан бобонинг шодлигини юз бор ҳис қилардим.

● Чўл уфқ қадар чўзилган, унинг бағрида кошонали уйлар бағри-дилингизни очади, аммо бу хонадонлар меҳмонлар учун ҳамиша очиқ... Унинг дарвозаси зулфин нимаю, қулф нималигини билганича йўқ ва билмайди ҳам. Давримиз шу томон бораётибди. Мирзачўлликлар бу борада олдинда, кўкрагини очиб бизлардан ўрганинг деяётганга ўхшайди.

● Чўлга сўққабош келгандим, — деди ҳамроҳим. — Ҳозир сулолам бир маҳалла.

● Мирзачўлга келган қалдирғоч чўлқуварларнинг кўплари ҳозир орамизда йўқ, улар, улар замин бағрида мангу ором қўйнида. Демакки, уларнинг ёркин излари сўнганича йўқ ва сўнмайди ҳам... Сиз-у, бизнинг дил изҳорларимиз бевосита аждодларимиз руҳига ҳамоҳанг...

● Мирзачўл минглаб одамларни бир-бирига дўстлаштирди, уюштирди, асосийси меҳр қўйдирди... Бу меҳр гулхан сингари ловуллаб турғандек.

● Халқ юриши... Бу оқим тегирмон тошини майдалаб ташлайди. Шу юриш туфайли қакроқ чўл бағри лолалар билан чулғанган гулшанга айланди.

● Бўтақоралик ғанишер Юнусов, марҳаматлик Мамажон Дадажонов, чинободлик Собиржон Сиддиқов яна қанчадан-қанча самарқандлик, фориш лик, янгийўллик деҳқонлар ўз тақдирини Мирзачўл билан боғлашди. Бу фидойиларга нима етишмасди. Бойликми, амалми? Қаҳрамон бўлишга интилишми! Йўқ, уларни Мирзачўлнинг эртаси қизиқтирарди. Қакраб ётган маскан жаннатмакон ўлкага айланишини исташарди. Ва шундай бўлди, Мўрзачўл дея ёниб яшаган инсонларнинг руҳи ҳамиша шод бўлгуси!

● Ботир ака, шундай одамлар борки, арзимаган ишини оғиз кўпиртириб мақташни, ўзини юксак довонларда кўришни исташади. Сиз билан бўлган хўжаликларда, пахта тайёрлаш режасини дўндириб қўйса ҳам қайси бир деҳқон кўкрагига урди. Ахир улар камтарона ва оддийгина «бажардик» деб қўя қолишди-я. Бу сўз заминдаги тинимсиз меҳнат фақат ўзларигагина аён...

● Майин ёмғирдан сўнг пайдо бўлувчи найкамалак жилосидилни яйратади, яшнатади. Бугунги кунда одамларимизнинг танти ва фидойилиги туфайли Сирдарё ва Зарафшон оралиғида доимий камалак бўй кўрсатиб турибди. Замин узра камалак дея номланган бу маскан — Мирзачўл диёридир.

Мирза КАРИМ.

(Мирзачўл ўзлаштирила бошланганлигининг 35 йиллигига бағишланган материалларни рўзномамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

Эшитмадим, деманглар!

МАМЛАКАТДА

МУҲОКАМАДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

СССР Президенти Михаил Горбачев раислигида Кремлда СССР Давлат Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибида «ҳозирги пайтдаги аҳвол» масаласи биринчи бўлиб турар эди. Президент шу масала хусусида гапириб, ўз фикрларини давом этди.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномага доир битимлар мажмуини тайёрлаш қандай бораётганлиги тўғрисидаги масала мажлис иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Барча мустақил республикаларнинг вакиллари асосий шартномага илова этиладиган битимлар лойиҳалари устидаги ишни тугаллашга интилаётганликларини ва тез орада уларни тасдиқлаш ниятида эканликларини изҳор қилдилар.

РЕСПУБЛИКАДА

ОҚ ЙЎЛ!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа спорт-техника ташкилоти — Армия, авиация ва флотга кўмаклашиш республика кўнгилли жамиятининг ҳуқуқий ворисига «Ватанпарвар» номи берилди. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган пленумда айтилди. Шу йилнинг 23 ноябрь куни жамиятнинг навбатдан ташқари қурултойи бўлади. Шунда узил-кесил қарор қабул қилинади.

Пленум Ўзбекистон Республикаси «Ватанпарвар» мудофаа спорт-техника ташкилотининг Низоми лойиҳасини маъқуллади.

ХОРИЖДА

ПРЕЗИДЕНТГА МУРОЖААТ

«Жорнал ду Бразил» рўзномасининг хабарига кўра, халқаро журналистлар ташкилоти президенти Армандо Роллемберг Бразилия президенти Фернандо Коллорга мурожаат этди. У Халқаро журналистлар ташкилоти қароргоҳини Прага шаҳридан шу мамлакат пойтахтига кўчириб келишга рухсат беришни сўраган.

КЕНГ ҚУЛАМДА ЁРДАМ

Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб Совет Иттифоқига кенг қўламда технология ёрдами кўрсатиш дастурини амалга оширишниятидадир. «Нихон» Кэйдзай» рўзномаси шу ҳақда хабар қилиб, дастурнинг мақсадларини тушунтириб беради.

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ АНДОЗА ЗАРУР

Фарҳод РЎЗИЕВ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ НОМЗОДИ

Ўзбекистон аталмиш макон мустақил бўлди. Бундан барчамизнинг бошимиз кўкка етди. Энди биз ўз танлаган йўлимиздан юрадиган бўлдик. Бунинг учун эса асосан иқтисодий соҳада ниҳоятда кўп юмушларни бажаришимиз керак бўлади. Қуйидаги битикларни шу муқаддас бир юртнинг фарзанди, оддий бир иқтисодчи олим сифатида менинг бу борада билдирган шахсий мулоҳазаларим, деб билгайсиз.

Мустақил давлат ўзининг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларини, молия ва кредит, музориба [инвестиция], солиқ сиёсатини ўзи эркин олиб боради. У ўзининг олтин заҳирасига, пул бирлигига, олмос ва валюта жамғармаси ҳамда хазинасига эга бўлиши шарт. Миллий давлат ўз ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, меҳнат турлари ва муносабатларини танлаб олишда ҳам ўзгалар таъсиридан холидир.

Ушбу саноқни яна давом эттириш мумкин. Бироқ усиз ҳам бир нарса аниқ: Миллий мустақилликни амалга ошириш учун олдинда бажариладиган юмушлар етарли. Энг муҳими эса иқтисодиётда катта бурилиш ясаш зарур. Ҳозиргача амал қилган хўжалик юритиш усули эскирган ва мақсади ҳам бошқача эди. Эндиги иқтисодиёт миллий мустақилликка, халқимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришга хизмат қилмоғи даркор.

МАЗКУР вазифаларни бажариш учун тамоман янги иқтисодий модел зарур! Бизнингча,у тубандаги тузуклар ва қоидалар асосида қурилмоғи лозим. **Биринчи йўналиш.** «Ҳар бир оиланинг бойлиги — давлат бойлиги», деган эзгу сўзлар унинг шиори, мафкуравий замини бўлмоғи зарур. Зеро, оила миллионер бўлса, давлат ҳам миллионер. Келажакда Ўзбекистондаги 3,5 миллион оиладан миллионер бўлмаган бирортаси ҳам қолмаслиги керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бу жуда хаёлийдек ва эриш туюлсада, хорижда шунга эришган давлатлар бор. Ҳа, бу катта мақсад. Аммо фақат ана шу эзгу мақсадни кўзлабгина иш олиб боришимиз лозим. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, жумҳуриятимизда аввало оилавий иқтисодиёт, оилавий корхоналар ривожланиши керак. Ҳар бир оиланинг банкларда ўз ҳисоби, ҳисобчилари, даромадгир (бизнесмен)лари бўлмоғи мақсадга мувофиқ.

Оила ҳар қандай иқтисодиёт, сиёсатнинг марказида турмоғи даркор. Хўш, нега шундай? Негаки, ўзбеклар учун оила айрим кимсалар тасаввуридагидек, бола дунёга келиши учун қурилган ин эмас, балки энг муқаддас даргоҳ. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, Ватанни севиш даражаси айнан шу ерда аниқ бўлади, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг келажаги шаклланади. Оила қандай бўлса, Ўзбекистон деган макон ҳам шундай. Ҳеч аксинча эмас. Бас, шундай экан, оила деган муқаддас даргоҳ жамият эътиборидан ҳеч қачон четда қолмасин, балки эъзоз-эътибор марказида бўлсин.

Ҳозир давлат ота-она бажарадиган ишларни бажармоқда ва у бир болани тарбиялаб, иш жойи яратгунча 40—50 минг сўм сарф қилишга мажбур. Ҳолбуки, давлатнинг «очил дастурхони» йўқ. Бу пуллар аслида меҳнаткашники, солиқлар ёрдамида тўпланган, умумлашган ва эгасидан ажраган пуллар. Шу сабабли ҳам ундан фойдаланиш баракасиз. Ҳар ким турлича манфаат топади. Асл эгаларига эса унинг нафи камроқ.

Масалан, давлат уй-жой қуриш учун ҳар йили 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарф қилади. Миллионлаб сўм пулни олий билимгоҳларга беради, тиббиёт тараққиёти учун ажратади. Лекин, ундан мансабдорлар билан ишчи ва деҳқон бир хилда фойдаланадилар, дейиш учун виждонни ютиш керак. Шунинг учун бу пуллар ўз эгасига қайтарилиши, яъни турли хил асоссиз, бемаъни солиқлар бекор қилиниши лозим. Рўзғорбошилар давлат йўриғисиз ҳам пулни қаерга сарф қилишни яхши билишади.

Оилавий корхоналар фаолияти учун ишлаб чиқариш воситалари зарур. Улар эса жамоа, давлат хўжаликлари ва корхоналар ишлаб чиқариш воситалари шаклида умумлашган. Айнан ана шуларни банкда ҳисоби бўлган алоҳида оила, деҳқон, фермер ёки ишчилар акционерлик жамиятига, концернларга айлантириш мумкин. Бунинг учун корхона ёки жамоа хўжалигидаги ишлаб чиқариш фондлари ҳажмига яраша акциялар чиқарилади. Ишловчилар меҳнат стажи, даромадига қараб акцияларнинг эгаси бўладилар. Бу юмушларни бажариш учун ҳуқуқий асослар бор. У методик жиҳатдан қийин эмас. Фақат ҳоҳиш бўлса бас.

Ушбу тадбирни ўтказиш орқали халқимизнинг иқтисодий тафаккурига катта силжиш бериш мумкин. Натижада: «Берсанг ейман, бермасанг ўламан», дейдиганлардан халос бўламиз. Уларнинг ўрнига иқтисодий одамлар — ҳисоб-китобли, муайян мулк эгаси бўлган, ўз шахсий ва Ўзбекистон манфаати учун жон куйдирадиган, бойлик орттириш мақсадида оқилона иш юритадиган, бунинг учун доим янги имкониятларни излайдиган, ишга соладиган, исрофгарчилик ва ўғриликка асло йўл қўймайдиган кишилар дунёга келишига имкон яратамиз. Худди шундай одамлар иқтисодий ҳаётнинг марказий сиймосига айланиши керак. Тўрачилик, маъмурий-буйруқбозликка, буйруқларни эса роботдек бажаришга ўрганиб қолган одамлардан энди дунё безор.

ЎЗБЕКИСТОН иқтисодиёти тараққиётининг **иккинчи йўналиши,** фикримизча, уни миллийлаштиришдан иборат бўлмоғи лозим. Иқтисодиётни миллийлаштириш бу чорик, калиш чиқариш ёки шу каби биқиқлик эмас. Баъзиларда шундай жўн тасаввурлар ҳам бор. Иқтисодиётда миллийлик — бу ишлаб чиқариш турлари ҳамда меҳнат муносабатларининг миллатнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналарига пайвасталигидадир. Бизнинг ҳозирги иқтисодий тизимимиз ниҳоят даражада европа-

(Давоми иккинчи бетда).

ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЗИЛЗИЛА ХАВФЛИ МИНТАҚАЛАРИ БОР СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКАЛАР ҲУКУМАТЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Республикаларнинг сейсмик районларидаги ҳозирги вазият таҳлили умуман олганда уй-жой-фуқаро объектлари сейсмик жиҳатдан етарли даражада ишончли эмаслигидан далолат бермоқда. 1988 йилдаги Спитакда ёки 1991 йилдаги Жанубий Осетияда юз берганга ўхшаш зилзила содир бўладиган бўлса бу табиий офат Арманистон ва Грузиядагига нисбатан кўпроқ фалокатларга олиб келади.

Зилзила хавфли зоналарда хавфсизликни таъминлаш бўйича шошилинч чора-тадбирларни кўриш даркор. Бунинг учун қонун ҳужжатларини ва моддий-техника базаларини яратиш, илмий ва ишлаб чиқариш ресурсларини бир жойга жамлаш талаб этилади. Чунки, зилзиладан кўриладиган зарарнинг олдини олиш учун сарфланадиган капитал маблағлар табиий офат оқибатларини бартараф этишга қилинадиган харажатлардан ҳамма вақт анча самарали бўлади.

Кенгаш қатнашчилари жуда қисқа муддатларда махсус давлат дастурларини рўёбга чиқариш доирасида аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг молиявий, ташкилий ва ижтимоий жиҳатларини тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак, деб ҳисоблайдилар.

Асосий ишларни молия билан таъминлашда республикаларга иштироки билан зилзилабардош қурилиш соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи жумҳуриятлараро марказни вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Фақат ана шундай шарт-шароитлардагина кучли зилзилаларнинг фалокатли оқибатлари олди олиниши, биз учун ниҳоятда қимматбаҳо бойлик бўлган кишилар ҳаёти сақланиб қолиниши мумкин.

Мурожаатнома зилзилага бардош қурилиш бўйича илмий-техникавий конференция қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган.

САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР ИЗЛАБ

Яқинда Тошкент шаҳрида зилзилага бардош қурилиш бўйича илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди.

Унда зилзила хавфли районлари бўлган аксарият суверен республикаларнинг йирик олимлари, лойиҳачилари, бинокорлари ва мутахассислари қатнашдилар.

Анжуман қатнашчилари зилзила хавфли районлари бўлган суверен республикалар ҳукуматларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ АҲДОЗА ЗАРУР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

лашган. Бугун аёнки, бу иш бекорга қилинмаган. Чунки, тупроғидан ажраган дарахт сингари миллийликдан ажраган иқтисодиёт ҳам, охир-оқибатда миллат ҳам ҳалокатга учраши муқаррар. Маънавий ҳалокатнинг кўз илғамас жаллоди ҳам айнан ана шу ерда. Шу боис бизда ҳозир на Ал-Хоразмий, Ибн Сино бор, на Улуғбек, Беруний ва на Навоий бор. Натижада на мусулмонмиз ва на даҳрий. Аянчли томони мана шунда. Шу туфайли ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг бир ибратли ҳикоятини ҳақиқатга айланмасин, деб қўрқаман: «Қайсидир мамлакатда... ҳайвонот боғида кекса бир фил бор экан. Занжирбанд фил юз йил давомида қозиқ атрофида айланибди. Оқибатда занжир ейилиб, узилибди. Шундан сўнг ҳам фил маромини бузмасдан узилган занжирни судраб, қозиқ атрофида яна юз йил айланган экан».

Бундай хавфга асосим бор. Хўш, мустақилликда қандай яшайдилар? Ўзбекистонда эркин, ҳур бўлиб яшаб кўрган инсон йўқ. Шунинг учун ҳам фақат миллийлик омили ёрдамида ўзлигимизни англашимиз, миллатимиздан бошқа ҳеч кимнинг қўлида сайқал топмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз, жаҳон бозорида рақобат қиладиган ўзига хос моллар ишлаб чиқариб сотиш орқали ўз ўрнимизни топишимиз мумкин. Афсуски, ҳамон миллатимизнинг иқтисодий қудрати ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти, иқтисодиёти нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилмаган. Ҳолбуки, Ўзбекистонда оз эмас, кўп эмас — 65 мингга яқин иқтисодчи, юзлаб фан доктори ва номзодлари, академик ва мухбир аъзолар бор. Бироқ ҳалигача улардан бирортасининг ҳам ҳеч бўлмаганда Шаталин ёки Явлинский сингари иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисидаги ўз дастури йўқ.

РЕСПУБЛИКА иқтисодиётининг **учинчи йўналиши** «Очиқ эшиклар» сиёсатидан, яъни аниқроғи, меҳнатга ҳақ тўлашни, ишлаб чиқариладиган моллар, маҳсулотлар ва савдо-сотиқ маданиятини жаҳон савиясига етказиб олиш муаммоларини ҳал қилишдан иборат. Фақат шу йўл билангина Ўзбекистон дунёнинг, бошқалар эса юртимизнинг бозорини аста-секин эгаллаб олишига, жаҳон иқтисодиёти тараққиёти билан узвийлашиб кетишига муваффақ бўлиш мумкин. Бунинг учун аввало корхона, жамоа ва давлат хўжаликлари, юридик шахсларга тўла иқтисодий эркинлик бериш керак бўлади. Экспорт ва импорт солиқлари бекор қилиниб, ташқи иқтисодий алоқага чиқувчилар учун барча имтиёзлар берилиши лозим.

Афсуски, ҳамон ўзбек даромадгирлари хорижий мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, улар ҳукуматларининг тартиб-қоидалари, у ердаги миллатларнинг савдо-сотиқ қилиш усуллари тўғрисидаги маълумотларга ўта муҳтождирлар. Буларсиз эса музокаралар столига ўтириш тўғри бўлмас. Аввало ушбу муаммоларни ҳал қилишга астойдил ва жиддий киришишимиз лозим. Бозорни ўрганиш учун совға-салом ёки харажатлардан ҳеч қочмаслик керак. Хорижда Ўзбекистоннинг ваколатхоналари, хизмат кўрсатиш корхоналарини очиш, уларга иқтисодий аҳволни ўрганиш учун одамларни жўнатиш даркор. Уларнинг вазифаси имкон борича рақибларнинг кучли ва кучсиз томонларини пухта ўрганиш, хориж фирмаларининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумотлар тўплаш ва улардан бизни хабардор қилишдан иборат бўлсин.

Хориж даромадгирлари анойи эмас «Етти ўлчаб бир кесадиганлар» хилидан. Тадбиркорлар таваккалчилик асосида иш юритадилар, деб ўзимизни ўзимиз алдаб ўтирмайлик. Чет эл музорибаси (инвестицияси) ҳеч вақт олтин, валюта ва бошқа муҳим ресурслар билан кафолатланмагунича бирор бир ишга қўл урмайди. Шунинг учун ҳам олтин заҳираси ва валюта жамғармасини яратиш, унинг миқёсини кенгайтириш ишлари тезлаштирилгани мақсадга мувофиқдир.

Хориж билан савдо-сотиқ қилиш учун иқтисодий тафаккуримизни ҳам жиддий ўзгартиришга тўғри келади. Маҳсулотлар тақчил бўлган бир муҳитда тарбияланганмиз. Учраганини ҳам худога шукур, деб харид қилишга кўникиб қолганмиз. Улар эса, аксинча, мўл-кўлчиликка ўрганишган. Эҳтиёждан ортиқчасинигина сотади. Шу боисдан хориж даромадгирларининг биринчи таклифигаёқ кўнавермаслигимиз лозим. Рақобат ва танлаб олиш омилидан унумли фойдаланиш керак, Вақтинчалик фойда ортидан қувмай, савдо-сотиқни узоқ муддатли ва жиддий асосларга қурган маъқул. Бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш йўлларини қидириш, умуммиллат манфаатини юқори қўйишга ўрганиш даркор.

Хорижга дастлаб муайян миқдорда меҳнат ресурсларини экспорт қилиш, «Самарқанд — Шаҳрисабз», «Хива—Бухоро» сайёҳлик районларини яратиш ҳам жуда фойдали. Бу шак-шубҳасиз, валюта булоғи бўлиб қолади. Зотан, шундай йўл билангина ўз молиявий аҳволини тузатиб олган давлатлар бор.

Ўзбекистон шундай бир жуғрофик нуқтада жойлашганки, у ривожланган давлатлар билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқа қилолмайди. Ҳозирча Туркманистон — Каспий — Озарбайжон — Туркия — Европа йўли тайинлироқдир. Қўшни мустақил жумҳуриятлар билан биргалашиб, «Кушка — Машҳад» темир йўлини қурсак, Эрон, Туркия ва у орқали Европага чиқиш имкони яратилади, деб ўйлайман. Бундай йўл қуриш унчалик қимматга ҳам тушмайди. Нари борса 400—500 миллион сўмга тушади. Самараси эса беқиёс бўлиши аниқ.

БИЗ бирма-бир баён этаётган янги иқтисодий моделнинг **тўртинчи йўналиши**, бўлаги — бу музориба сиёсатидир. Ушбу соҳада қилинадиган ишларнинг миқёслари етарли. Музорибанинг харажат талаб қилмайдиган пул, қимматли қоғоз, валюта бозоридан, ер ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи, ишлаб чиқариш сирлари, «Нау-хоу» илмий техникавий билимлардан фойда олиш ҳуқуқлари яхши йўлга қўйилмаган. Очиғини айтганда, хароб аҳволда.

Ер ва уй-жой бозорини ташкил қилиш муаммоси ҳам пишиб етилди. Уни давлат миқёсига олиб чиқмоқ ва қонуний асосга қурмоқ лозим. Зеро, уй-жой бозори пулнинг қадрсизланишини анча камайтиришга, ер бозори эса ундан фойдаланишни яхшилашга олиб келади.

Солиқ сиёсатини ҳам жиддий ўзгартиришга тўғри келади. Амалдагиси эса Москванинг нусхаси бўлиб, унинг асл мазмун-моҳияти оддий халқ у ёқда турсин солиқ идоралари ходимларига ҳам етиб боргани йўқ. Аслида у содда ва тушунарли бўлиши, уни йиғиб олиш кам харажат талаб қилиши, хазинага эса пул тушишини кафолатлаши, айни вақтда халқни оғир иқтисодий аҳволга туширib қўймаслиги лозим.

Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири миллий валютага эга бўлишдир. Суверен давлатнинг ўз бозорини ҳимоя қилишнинг ягона йўли ҳам шу. Бунинг объектив сабаблари бор. У пулнинг ўзига хос хислат ва хусусиятларидан, бажарадиган вазифаларидан келиб чиқади. Пул моҳият жиҳатидан алоҳида, махсус мол, товардир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг эквиваленти, муқобилидир. Мол ишлаб чиқариш бор жойда пул ҳам мавжуд. Буларнинг бири-бирисиз ҳозирги иқтисодиётни тасаввур этиш қийин. Мисол учун, Ўзбекистон пул бирлиги — миллий валютанинг номини шартли равишда «ақча» деб олайлик. У бир неча вазифаларни бажаради.

Биринчидан «ақча» — моллар, товарлар ва кўрсатилган хизмат қийматининг ўлчови. Яъни унинг ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг баҳоси аниқланади. Унинг баҳосига аввало ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ва табиий шарт-шароитлар таъсир қилади. Ўрта Осиёда табиат инъомлари, қуёш нурлари Европага нисбатан тўрт-беш карра ортиқ. Бу эса деҳқончилик маҳсулотларини шунча даражада арзон ва кўп етиштириш имконини беради.

Собиқ ССР Иттифоқининг бутун ҳудудида бир хил пул бирлиги турса, юқоридаги омиллар таъсирида Россиядан ташқари барча мустақил республикалар бундан ютқазади. Иқтисодиётнинг эса бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ бўлмаган қонуниятлари бор. Қаерда маҳсулот қиммат баҳоланса, ўша ерга у дарёдек оқаверади. Поезддами, самолёт ёки автобусдами, бошқа транспортдами барибир маҳсулот ўша ёққа кетаверади. Сотувчи, харидор эса ўзбекистонлик ёки литваликми, бошқа ерликми бунинг аҳамияти қолмайди.

Худди ана шу омил ўзгалар учун бизнинг иқтисодиётимизни ичидан бузишга яхшигина қурол бўлиб хизмат қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ шундай ҳаракатлар кузатилаётир. Бошқа-бошқа ерда бажарилган бир хил меҳнатнинг қиймати ўртасида 1,5—2 баробар ва ундан ортиқ фарқ вужудга келяпти. Бизнинг фойдамизга эмас, балки зararимизга шундай бўлмоқда.

Иккинчидан, «ақча» — харид қилинган моллар, ссуда, кредит, солиқ ва ҳоказолар учун тўлов воситасидир. Шунингдек, «ақча» — айирбошлаш, хазина тўплаш ва жамғариш вазифаларини ҳам бажаради. Пул муомаласи билан боғлиқ бўлган юмушларни бошқага бериб қўйган мустақил давлатнинг оёққа туриши қийин кечади. Шу туфайли ҳам «ақча»ни жорий қилиш миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва халқимизнинг моддий ҳаётини яхшилаш калитидир.

ДУНЁДА истеъдодсиз ҳеч бир халқ ёки миллат бўлмайди. Онадан ҳамма бир хил туғилади. Табиат инсонга асосан бир хилда қобилият ато этади. Ҳамма гап—халқдан чиққан истеъдод эгаларидан қай тарзда фойдаланишда. Миллий онги, дунёқараши юқори бўлган халқлар бу омилдан оқилона, самарали фойдаланиб, кўзланган натижага эришаётирлар. Бизда эса барча соҳаларда ҳам истеъдодларни танлаш ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Ҳозир хорижга ўқишга, тажриба ўрганишга бораётганлар орасида тасодифийларини топиш мушкул, бегоналар йўқ. Бироқ бориб-келаётганлардан кутилаётган самара сезилмаяпти. Узоққа бориб ўтирмай, биргина мисол келтираман. Ўзбекистон Фанлар академиясидан икки иқтисодчи ва бир ҳуқуқшунос бир йил давомида АҚШнинг кўзга кўринган дорилфунунларида тажриба ўрганиб келишди. Шунга ҳам бир йил бўлди. Аммо ҳамон улардан кутилган самара йўқ. Лоақал бирорта илмий иш қилганлари ёки мақола ёзганларини кўрмадик. Демакки, биз танловни яхши йўлга қўя олмаяпмиз. Шундай экан, бу ишда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиш керак бўлади. Хорижга юборилган мутахассислар ҳам, уларни жўнатаётганлар ҳам халқ назоратида бўлишлари лозим. Ўз ҳисобидан кетадиганлар бошқа гап.

Олий илмгоҳ ва билимгоҳларни, барча ўқув юртларини ҳам бир неча даражага бўлиш, ҳатто хусусийларини очиш вақти етди. Уларнинг даражаси эса мутлақо холис, мустақил чет эл мутахассисларидан иборат комиссия ёрдамида аниқланиши керак.

Кадрларнинг илмий-ақл-заковати, жасорати миллий мустақиллик ғалвиридан ўтказилиши, ҳар ким ўз иқтидорига яраша баҳо олиши ва жамиятда ўшанга яраша эътиборга сазовор бўлиши лозим. Менинг назаримда, юқорида қайд этилган йўналишлар, омилларга урғу берилган тақдирда биз эришган мустақиллик янада мустаҳкамланади, шу билан бирга ҳеч ким тўхтата олмайдиган ҳаракат тусини олади.



● ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. «Қорашоҳ» канали қурилишида Бешариқ механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси самарали меҳнат қиляпти. Каналнинг узунлиги 4,7 километр бўлади ва «Москва», «Искра» жамоа ва «Октябрь 40 йиллиги» давлат хўжаликлари ерларига сув узатади.

СУРАТДА: кўчма колонна бош муҳандиси Одилжон Қосимов (чапда) ва 2-участка устаси ёрдамчиси Исматулла Каттабоев.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Тошкентда «Ҳозирги дунёда инсонпарварлик ҳуқуқлари» мавзусига бағишланган халқаро семинар ўз ишини тугаллади. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Марказий Комитетининг ташаббуси билан ўтказилган эди.

Семинар қатнашчилари беш кун давомида Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари фаолияти, миллий қонунларга халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини жорий этиш, шу ҳуқуқ меъёрларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ бир қанча долзарб муаммоларни муҳокама қилдилар.

Анжуман ишида Қизил хоч халқаро комитети Европа ва Шимолий Америка бошқармаси бўлимининг бошлиғи Рональд Хаммер, Қизил хоч халқаро комитети марказий қидирув агентлиги бошлиғининг ўринбосари Марион Шайнберген, Қизил хоч халқаро комитетининг масъул ходими Клодин Эмми, Жанубий Корея ва Ўзбекистон меҳмонлар, шунингдек, Москва, Украина, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон, мамлакат ташқи ишлар ва мудофаа вазирликларининг вакиллари қатнашдилар.

Халқаро семинар иштирокчилари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида учрашдилар. Меҳмонлар Алишер Навоий номли давлат академик Катта театрида бўлдилар, қадимий Самарқандга сайёҳат қилдилар. (ЎзТАГ).

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаган ҳарбий хизматчиларни авф этиш тўғрисида СССР ҚОНУНИ

Ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг жуда кўп аризалари, ҳарбий хизматчилар отаоналари Бутуниттифоқ кенгашининг таклифлари муносабати билан, шунингдек, тинч даврда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчилар ҳалокати ҳамда шикастланиши сабабларини тергов қилишнинг холислиги ва тўлалигини текширувчи махсус комиссиянинг хулосаларини ҳисобга олиб ва инсонпарварлик қоидаларига амал қилиб, СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1-модда: «Ҳарбий жиноят учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунининг 9-(ўзбошимчалик билан чиқиб кетиш), 10-(қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, 11-(қочоқлик), 13-(ўзига шикаст етказиш йўли билан ёки бошқа усул билан ҳарбий хизматдан бўйин товлаш) моддалари билан ҳукм этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

2-модда. Ушбу Қонун кучга киргунга қадар Қонуннинг 1-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўзғатилган барча тергов ишлари ва судлар кўриб чиқмаган ишлар тўхтатилсин.

3-модда. Ушбу авфга асосан жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек, Қонуннинг биринчи моддасида кўрсатилган жиноятлар учун жазони ўтаган шахслардан судланганлик олиб ташлансин.

4-модда. Авф этиладиган шахслар шу Қонун кучга киргунга қадар ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо ижро этилмаган бўлса, шу жазолардан озод қилинадилар.

5-модда. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш даврида ушбу Қонуннинг 1-моддасида санаб ўтилганидан ташқари бошқа жиноят содир этган, бу жиноят учун амалдаги қонунларда икки йилдан ортиқ озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган бўлса бундай шахсларга нисбатан авф қўлланилмайди.

6-модда. Ушбу Қонунни ижро этиш:

1) жазога маҳкум этилган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги шахсларга нисбатан, шунингдек, меҳнатга, албатта, жалб этиш шарти билан шартли равишда озодликдан маҳрум этилган ҳамда меҳнатга жалб этиш шарти билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинган шахсларга нисбатан — жазони ижро этувчи органлар зиммасига юклатилсин (ушбу Қонун ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси бошлиғи ёки махсус комендатура қарорига биноан ижро этилади);

2) жиноят тўғрисидаги иш текшириш ва дастлабки тергов органларида бўлса бундай шахсларга нисбатан текшириш ва дастлабки тергов органлари зиммасига юклатилади;

3) судлар зиммасига: жиноятлари тўғрисидаги ишлар судга оширилган ҳамда ушбу Қонун кучга киргунга қадар жиноий ишлари кўриб чиқилмаган шахсларга нисбатан, шунингдек, жиноятлари тўғрисидаги ишлари кўриб чиқилган, лекин ҳукм қонуний кучга кирмаган шахсларга нисбатан;

ҳукмларнинг ижроси Қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда кечиктирилган маҳкумларга ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонуни асосларининг 38-моддасига мувофиқ шартли равишда ҳукм қилинганларга нисбатан;

жазодан шартли равишда муддатдан олдин бўшатилган шахсларга ва жазонинг ўталмаган қисми ушбу Қонун кучга киргунга қадар анча юмшоқроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан Қонунни ижро этиш вазифаси юклатилади (авфни қўлланиш тўғрисидаги масалани шартли равишда муддатдан олдин озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини юмшоқроқ жазо билан алмаштиришни қўлланиш тўғрисида ажрим чиқарган суд ҳал қилади;

4) ҳукм қонуний кучга кирган шахсларга нисбатан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, қамоққа олинмаган шахсларга ёки меҳнатга жалб этиш шарти билан озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинган, иш жойига юборилмаган шахсларга нисбатан — ички ишлар органлари зиммасига юклатилади;

5) интизомий батальонларда (роталарда) жазони ўтаётган шахсларга нисбатан — интизомий батальонлар қўмондонлиги зиммасига юклатилади;

6) гауптвахталарда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан Қонунни ижро этиш ҳарбий қисмларнинг командирлари ва ҳарбий муассасаларнинг бошлиқлари зиммасига юклатилади.

7-модда. Зиммасига ушбу Қонунни ижро этиш вазифаси юклатилган органларга авфни қўлланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун суд ишлари ва бошқа зарур материалларни тегишли муассалардан сўраб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай сўровлар дарҳол бажарилиши лозим.

8-модда. Текшириш, дастлабки тергов органлари томонидан, ички ишлар органлари, аҳлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг, махсус комендатураларнинг бошлиқлари, интизомий батальонлар қўмондонлиги, ҳарбий қисмларнинг командирлари ва ҳарбий муассасаларнинг бошлиқлари томонидан авфни қўлланиш тўғрисида қабул қилинган қарорларни прокурор тасдиқлайди.

9-модда. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида санаб ўтилган жиноятларни содир этган ва хизмат жойига бормаган ҳарбий хизматчиларга нисбатан авф агар улар ушбу Қонун кучга киргандан сўнг узоғи билан бир ой ичида ҳарбий хизматни давом эттириш учун ҳарбий бошқармининг энг яқиндаги органларига (СССР Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий округларнинг, флотларнинг қабулхонасига, ҳарбий комиссариатларга, комендатураларга), СССР Президенти ҳузуридаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ишлари комитетига ҳамда республикаларнинг шундай комитетларига, ички ишлар органларига ёхуд ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий қисмларга келган тақдирдагина қўлланилиши белгилаб қўйилсин. Ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари Бутуниттифоқ кенгашига ҳарбий хизматчиларга нисбатан ушбу авф қўлланилиши ва улар хизматни давом эттириш учун қайтиб келишларида ота-оналар ва оилаларнинг бошқа аъзоларига кўмаклашиш тавсия этилсин.

Ушбу Қонун кучга киргандан сўнг ҳарбий хизматдан бўйин товлаган ҳарбий хизматчиларга нисбатан бу Қонун қўлланилмайди.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳолларининг кўп қисми хизмат жойидаги Уставга зид муносабатлар билан боғлиқлиги эътиборга олиниб, СССР мудофаа вазири, СССР ички ишлар вазири, ўз таркибида ҳарбий бўлинмалар бўлган бошқа идораларнинг раҳбарлари ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчиларни хизматни бундан буён ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун шарт-шароитларни истисно қиладиган шароитда ўташ учун тақсимлаш чораларини кўрсинлар. Ҳарбий хизматчилар шундан кейин камида олти ой бенуқсон хизмат қилган тақдирда уларнинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаган даври СССР мудофаа вазири, СССР ички ишлар вазири таркибида ҳарбий бўлинма бўлган бошқа идоралар раҳбарлари тегишли равишда белгилайдиган тартибда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

10-модда. Ушбу Қонун эълон қилинган пайтдан кучга киради ва уч ой ичида ижро этилиши лозим.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль,
1991 йил 1 ноябрь.

● *Материалларимиз изидан*

«ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕСИЛСА»

Рўзномамизнинг шу йил 24 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда нафақа тарқатишни Ижтимоий таъминот вазирлиги ўз қўлига олса, алоқачилар учун ноқулайлик, давлат учун қўшимча харажатларга сабаб бўлиши айтилган эди.

Яқинда шу мақола юзасидан УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИдан расмий жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

— Ҳақиқатан ҳам республика Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсия ва нафақаларни тарқатиш хизматини ўз зиммасига олмоқчи. Бундай қарорга келишга Алоқа вазирлигининг ўзи сабабчи бўлди.

Гап шундаки, 1990 йил декабрь ойида Алоқа вазирлиги бозор иқтисодиётига ўтишни сабаб қилиб, биз билан келишмаган ҳолда бир томонлама равишда пенсия ва нафақалар тарқатиш хизмат ҳақини икки баробар, яъни 2,4 фоиздан 4,15 фоизгача оширди. Амалда алоқа тармоқлари кўрсатаётган хизмат ҳақидан келиб тушаётган пул миқдори 3,5 баробар ошди. Нега деганингизда 1991 йил январидан бошлаб пенсия ва нафақаларнинг миқдори оширилган эди. Шунга боғлиқ равишда алоқачиларнинг хизмат ҳақи ҳам янада ошди. Бошқача қилиб айтганда, 1990 йилда алоқачиларнинг хизмат ҳақи 43,3 миллион сўм бўлса, 1991 йилда бу хизмат ҳақи 165,7 миллион сўмни ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ижтимоий таъминот тизимининг тармоқларига ўз таъсирини кўрсатяпти. Чунки ижтимоий таъминот соҳасида амалга оширилаётган барча тадбирлар давлат бюджетига боғлиқ ва унга қарамдир.

Алоқа вазирлиги, давлат статистика қўмитаси, бошқа корхоналар якка ҳоким равишда нарх-наволарни бир неча маротаба кўтариб, ўзларининг иқтисодий аҳволларини яхшиламоқчи бўляптилар. Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш — нарх-наволарни ошириш эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, иш унумдорлигини кўтарган ҳолда соф фойдани оширишдир. Бунинг учун одилона рақобатчилик вазиятини яратиш лозим.

Бизнинг ҳисоб-китобларга қараганда пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган хизмат ҳақини илгари белгиланган 2,4 фоиздан ҳам камроқ қилиб белгилаш мумкин.

Бу ҳисоб-китоблар ва хизмат ҳақини оширмаслик тўғрисидаги таклифлар ўз вақтида Алоқа вазирлигига етказилган эди. Лекин бизнинг таклифларимиз Алоқа вазирлиги томонидан инобатга олинганидек йўқ. Шундан сўнг биз ўз кучимиз билан кичик давлат корхоналари воситасида пенсия ва нафақаларни тарқатишни лозим, деб топдик.

Шу тажриба амалга оширилмоқчи эканлиги тўғрисида ҳам Алоқа вазирлигига хабар бериб, улардан бу ишда бизга яқиндан ёрдам кўрсатишларини илтимос қилгандик.

Кичик давлат корхоналари пенсия ва нафақаларни тарқатиш учун олаётган хизмат ҳақлари тарқатилган пулларнинг умумий ҳажмининг икки фоизини ташкил қилади. Бу эса Алоқа вазирлиги худди шу хизмати учун белгилаган ҳақдан икки маротаба камдир.

Натижада жумҳурият бўйича оладиган бўлсак, пенсия ва нафақаларнинг тарқатилишига кетаётган харажат миқдори бир йилда 86 миллион сўмга тежалади. Бундан ташқари кичик корхоналар оладиган соффойданинг 90 фоизи вазирликда, вилоят ва район ижтимоий таъминот бошқармалари, бўлимларида очилаётган махсус ҳисоб-китоб рақамларига ўтказилиб, ҳар йили 50 миллион сўмга яқин жамғариладиган маблағни тармоқни ривожлантириш ва қайта жиҳозлаш ишларига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, кичик корхоналар фақат пенсия ва нафақаларни ташиш билан чекланмасдан, балки пенсионерлар, ногиронлар, якка-ёлғиз қариялар ва кўп болали оналарнинг моддий ва ижтимоий аҳволини ўрганиш, уларнинг пенсия ва нафақалари миқдорини ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ижтимоий таъминот бўлимларига етказиб бериш, умуман, пенсионерлар билан ижтимоий таъминот бўлимлари ўртасида воситачилик вазифаларини бажаради.

Кичик корхоналар ходимларининг иш ҳақларига келсак, уларга кўрсатган хизматларига қараб ҳақ тўланади.

Ҳозирги пайтда ижтимоий таъминот соҳасини ривожлантириш бўйича вазирлик томонидан жуда кўп янги ишлар олиб борилмоқда. Буларни амалга ошириш жараёнида турли тўсиқлар ва қийинчиликлар пайдо бўлиб, уларни бартараф қилиш заруриятн туғилмоқда.

Олиб борилаётган янги ишларимизни муҳарририят ижобий баҳолаб, рўзнома саҳифаларида ҳаққоний равишда ёритиб, бизларга кўмакдош бўлишини илтимос қиламиз.

● НАМАНГАН. Тўрақўрғон трактор ремонти заводи дарвозасидан дастлабки 100 та созланган автоприцеп чикди. Корхонанинг янги маҳсулоти кооперация йўли билан тайёрланди. Учқўрғон ва Андижондаги Оқёр заводлари бутлаш ускуналари тайёрлаб бердилар. Узел ва деталлар эса Серпухов заводидан олинди.

Суратда: йиғувчи слесарь Фазлиддин Назаров (чапда) шогирди Каримжон Раҳмонов билан автоприцеп деталларини жойжойига ўрнатаётган пайт.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган сурат.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

4 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда республикамизнинг бир қатор вазирликлари ва идоралари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ижроия комитети, ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этдилар.

Мажлисни комитет раиси Ҳ. М. Усмонова олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси енгил саноат корхоналарида ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, соғлиғини сақлаш, маиший хизмат ва дам олишини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Республика енгил саноат корхоналари ана шу муҳим масалани ҳал этишда етарли иш олиб бормаётганлигига эътибор қаратилди.

Шундан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида депутатлар томонидан билдирилган бир қанча таклифлар, қўшимчалар ва ўзгаришлар ҳисобга олинди.

Мазкур комитет аъзоси, Ўзбекистон халқ депутати А. М. Сотволдиевнинг иш фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Мажлисда, шунингдек, комитет фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ФАОЛЛАР КЕНГАШИ

Самарқандда вилоят совет ва хўжалик фаолларининг кенгаши бўлди.

Кенгашни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов бошқарди. У тўпланганларга вилоят меҳнатчилари пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов йўллаган телеграммани ўқиб берди.

Кенгаш қатнашчилари вилоят олдида турган долзарб вазифаларни муҳокама қилдилар. Армияга чақириш қоидаларининг ўзгартирилгани, муқобил хизматнинг ташкил этилиши билан боғлиқ ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. (ЎзТАГ).

МИРЗАЧЎЛ — МАРДЛАР МАЙДОНИ

Рақамлар тили билан

СИРДАРЁ

● 1918 йил 17 май куни В. И. Ленин Мирзачўл ва Далварзин ерларини ўзлаштириш учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги Декретга имзо чекди.

● 1918 йили Мирзачўл посёлкасида (ҳозирги Гулистон шаҳри) биринчи мактаб ташкил этилди ва унда дастлаб 67 нафар ўқувчи таълим ола бошлади.

● 1920 йилда Сирдарё воҳасида биринчи коллектив хўжалик — «Бирлашган куч» жамоа хўжалиги тузилди. Жамоа аъзолари 30 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 6 центнердан пахта ҳосили олган эдилар.

● 1956 йили Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва суғоришни комплекс ташкил этиш мақсадида «Главголодностепстрой» ташкил этилди.

● 1956 йили чўлқуварлар штаби — Янгиер шаҳри ташкил топди.

● 1957 йили қўриқ ер бағридаги тўнғич хўжалик — «Фарҳод» совхози ташкил этилди.

● 1963 йили Мирзачўл бағрида Сирдарё вилояти ташкил топди.

● 1966 йили «Голодностепстрой» территориал бошқармаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

● 1971—1977 йиллар мобайнида Ўрта Осиёдаги энг йирик иссиқлик электр станцияси — Сирдарё ГРЭСнинг ҳар бири 300 киловатт-соат қувватга эга бўлган 7 та энергоблоки ишга туширилди.

● 1974 йили Жиззах вилояти ташкил этилди.

● Мирзачўл бағрида ўндан ортиқ районлар ҳамда 5 дан зиёд шаҳар барпо этилди.

ЖИЗЗАХ

● 1969 йилнинг февраль ойида «Главсредазирсовхозстрой» бош бошқармаси Мирзачўлнинг рамзий давоми сифатида Жиззах чўлини ўзлаштириш лойиҳасини тайёрлашга киришди.

● 1974 йил 27 июнь куни Пахтакор районидаги Ульянов номли давлат хўжалигида Жиззах чўлини ўзлаштириш бошланганлиги муносабати билан ўтказилган кўпминг кишилик митинг хўжалик лоток ариқ ўтказиш тадбири бошланиши билан якунланди.

● Айни пайтда Жиззах чўли ҳудудида ўзлаштирилган 70 минг гектар янги ерда 20 та йирик давлат хўжалиги ташкил этилган.

● Бетонлаштирилган суғориш тармоқларининг узунлиги 2 минг километрни ташкил этади. Ўтган даврда жами 57 минг километрли автомобиль йўллари ишга туширилди.

● Бугунги кунда Жиззах чўли ҳудудида 22 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 6800 ўринли болалар боғчаси ҳамда кунига 4 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар, 650 ўринли шифохона мавжуд.

● Қўриқ хўжаликлардаги жами турар-жойларнинг майдони 1,5 миллион квадрат метрга етди.

● Яқин келажакда Зомин даштида 7 та давлат хўжалиги ташкил этилади. Форишдаги оҳак заводи ҳамда Жиззах электротехника заводлари ишга туширилади. Яна 10 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, 400 минг квадрат метр турар-жой, маданий-маиший муассасалар барпо этилади.

1956—1991

ЖАСОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

1956 йилнинг охирига бориб, Мирзачўл қурилиши бош бошқармаси, яъни «Главголодностепстрой»нинг ташкил этилиши — ўзига хос катта воқеа бўлди. Шундан сўнг чўл бағридаги яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари ҳар томонлама кенг авж олиб кетди. Бу ташкилот чўл бағридаги барча ишларнинг ўзига хос маркази, яъни таянч нуқтасига айлантирилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Тошкент шаҳри ҳамда вилоятидан 1200 нафар йигит-қиз Мирзачўлга бориш истагини билдирдилар. Фарғона водийси вилоятлари, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, қўйингки, Ўзбекистоннинг барча жойларидан, шунингдек қўшни Қозоғистон, Тожикистон, бошқа жумҳуриятлардан қалби олов ёшлар чўлни ўзлаштириш ишига отландилар.

1956 йилнинг ноябрь ойида Тошкентдан 153 километр узоқликда бўлган Ўрта Осиё темир йўлининг 58-разъездида дастлабки чодирлар ўрнатила бошланди ва улар ўрнида келажакда бутун Ўзбекистонга донг таратган чўлқуварлар штаби — Янгиер шаҳри пайдо бўлди.

Ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерлар аллақачон 300 минг гектардан ошиб кетди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қаҳрамон чўлқуварлар қадами етган жойларда 13 тадан ортиқ район, 35 тадан зиёд давлат хўжаликлари қадимий чўл бағрига эндиликда алоҳида ҳусн бериб турибди. Ўрта Осиёдаги улкан иссиқлик электр станцияси — Сирдарё ГРЭСи, Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати сингари фахрланса арзигулик саноатимиз ҳамда энергетикамиз байроқдорлари, бир неча қўшни вилоятлар, экинзорларнинг қон томирига айланиб қолган Саркисов номли канал пайдо бўлдики, эндиликда биз уларсиз иқтисодимиз равнақини тасаввур эта олмаймиз.

Мирзачўл ерлари бағрида бунёд этилаётган мўл-кўлчилик манбаларини айтмайсизми! Қўриқ фидокорларининг меҳнатлари туфайли мамлакатга 7,5 миллион тоннадан ортиқ пахта ҳосили, 800 минг тоннадан зиёд полиз, 2,5 миллион тоннадан зиёд сабзавот, 1,5 миллион тонна дон, яна кўплаб мева, узум, бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилди. Мирзачўлни ўзлаштириш учун ҳукуматимиз томонидан ажратилган маблағлар тўла-тўкис қоплангани тўғрисида эса бундан бир неча йиллар муқаддам матбуотда айтилган эди.

Мирзачўл ерларини ўзлаштириш жараёнида одамлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик янада мустаҳкамланди ва камол топди. Чўл қўйнида бутун бир янги авлод етишиб чиқди, дейиш мумкин. Воҳада жон куйдириб ишлаган, ўз ёшлиги, куч-ғайратини мўл-кўлчилик, халқимизнинг фаровонлигини оширишдек шарафли вазифага бахшида этган кўплаб кишилар тақдирланди.

Эндиликда ёшлар оталар ишини давом эттирмоқдалар. «Голодностепстрой» бунёдкорлари вилоятнинг энг зарбдор, энг муҳим қурилишларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Жумладан Ховос районининг юқори ҳудудларида жойлашган хўжаликларига оқар сув чиқарадиган насос станцияси бунёд этишга киришдик. Вилоятимиз аҳолиси учун ғоят даражада зарур бўлган Крестянск — Гулистон — Янгиер ичимлик сув йўли қурилишида ҳалол меҳнат қиляпмиз. Яна бир улкан вазифа, вилоятнинг қўриқ зонасида жойлашган районлардаги сув йўлларини қайта қуриш, мелиорация ишларини яхшилаш борасида ҳам катта ишлар олиб борилаётир. Айни пайтда қўриқдаги хўжаликлар меҳнаткашларининг уй-жой, маданий-маиший шароитини яхшилаш борасида эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бундан ўттиз беш йил муқаддам бошланган хайрли иш давом эттирилаётир. Айни пайтда улар қолдирган қимматли анъаналар, меросларни асраб-авайлаб сақлашга интилмоқдамиз, улар меҳнатини қадрлашга, қаҳрамон чўлқуварларнинг муносиб ворислари бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

И. ГАМБУРГ,
«Голодностепстрой» бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.





● Бу суратлар чўлқуварлар ҳаёти ва меҳнатини акс эттиради. Уларни сураткашлар У. ҚУШВОҚОВ ва О. АДИЯНОВ олишган: 1. Чўлга ҳужум бошланган эди. 2. Зарбдор районидаги Ленин йўли номли давлат хўжалигининг Суюн Ўролов бошлиқ бригада деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани биринчилар қаторида бажаришди. Пахтакорлар саркори звено бошлиғи Камолиддин Ҳайитов билан суҳбатлашмоқда. 3. Сирдарё ГРЭСидан нур бутун республикамизга етиб боради. 4. Жиззах йўли қурилишларида. 54-механизациялашган кўчма колонна аъзолари фидокорлик қилишаётир. Бригада бошлиғи В. Семёнов моҳир уста сифатида шуҳрат қозонган. 5. 22-механизациялашган кўчма колонна ишчиси З. Ҳайрутдинов ўз умрини Мирзачўлни ўзлаштиришга бағишлади, десак муболаға бўлмайди, албатта.

ТАҚДИРИГА МАСЪУЛМИЗ

Мирзачўлнинг рамзий давоми сифатида Жиззах чўлини ўзлаштиришга киришилганлигига йигирма йилдан ортиқроқ вақт ўтди. 1969 йилнинг февраль ойида қабул қилинган қарорда жумҳуриятда пахтачиликни янада ривожлантириш учун зарур база ташкил этиш мақсадида «Главсредазирсовхозстрой» бош бошқармасига Жиззах чўлини ўзлаштириш бўйича маълум ишларни амалга ошириш юклатилганди. «Средазгипроводхлопок» институти мутахассислари қўриқни ўзлаштиришнинг лойиҳаси ва амалий схемасини яратдилар. 1974 йилнинг 27 июнига келиб Ульянов номли давлат хўжалиги ҳудудида Жиззах чўлини ўзлаштириш бошланганига бағишланган кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Жиззах чўли бағрига биринчи лоток-ариқ ўрнатилди. Орадан бир йил ўтгач, амалга ошириладиган ишлар кўлами инобатга олингани ҳолда «Жиззахчўлқурилиш» территориал бошқармаси тузилди.

Орадан ўн етти йил ўтди. Бу давр ичида Жиззах чўли ҳудудида етмиш минг гектар янги ер ўзлаштирилди, 20 та йирик давлат хўжалиги барпо этилди. Улардаги барча қулайликларга эга бўлган обод шаҳар ва қишлоқларда турли миллатга мансуб 15 мингдан зиёд аҳоли яшаб меҳнат қилмоқда. Ўтган даврда мобайнида янги ўзлаштирилган ерларни суғориш учун 2 минг километр узунликда бетон магистраллар, каналлар, ер ости сувларини қочириш учун 700 километрлик зовур қазилди, 4,6 минг километр ҳажмдаги қия дренаж ишга туширилди. Жами 57 минг километр узунликдаги автомобиль йўллари қуриб битказилди.

Айни пайтда янгидан барпо этилган турар-жойлар, қишлоқ ва шаҳарларда 22 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 6800 ўринли болалар боғчалари, 13 минг ўринли маданий муассасалар, кунига 4 минг беморни қабул қиладиган поликлиника ва 635 ўринли касалхоналар фаолият кўрсатиб турибди.

Жиззах чўлида чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Қисқа фурсатда чўлқувар хўжаликларда 20 минг қорамолга мўлжалланган молхоналар ва бошқа ихтисослаштирилган фермалар ташкил этилди. Бугунги кунга келиб, Жиззах чўли ҳудудида ташкил этилган хўжаликлардаги дала шийпонлари сони 500 тадан ошиб кетди. Айтиш мумкинки, шу даврда бу хўжаликларни қуришга кетган миллион-миллион сўмлик маблағлар бесамар кетмади.

Чўлқуварларни доимий ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш мақсадида бунёд этилган Қўйтош сув узаткичи 5 та район аҳолисини ичимлик сув билан таъминлай бошлади. Жиззах аккумулятор заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Пахта териш машиналари ишчи қисмларини таъмирлаш заводи, 10 та пахта тозалаш пункти фаолият кўрсатиб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, Жиззах чўлини ўзлаштириш харакатининг бундан кейинги фаолиятида жуда кўп мураккабликларга, муаммоларга дуч келиниши табиий. Зеро, ер ўзлаштириш, қурилиш ишларини амалга ошириш Иттифоқимизнинг жуда кўп корхона ва ташкилотлари билан бевосита боғлиқ. Қурилиш анжомлари нархи, техника, ёнилғи баҳоси кундан кунга кўтарилиб бормоқда. Шундай бир пайтда ҳам жамоамиз давлат режасини муттасил бажаришга, ишчи ва хизматчилар турмушини яхшилашга ҳаракат қиляпти. Йилига камида 100 миллион сўмлик иш бажаришимиз зарур. Долзарб юмуқларимиздан бири — Жиззах чўлининг тоғолди ҳудудларида — Зомин даштида еттита давлат хўжалиги барпо этишдир.

Вилоятда пахтачилик, чорвачилик билан бир қаторда боғдорчилик ва сабзавотчилик хўжаликлари қурилишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. 1992 йилдан бошлаб мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган катта корхоналар қурила бошлайди. Ҳар битта трест, механизациялашган кўчма колонна қошида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар бўлишини таъминлаймиз. Яқинда эса Жиззах районининг «Олтинсой» боғдорчилик хўжалигида 1000 тонна, 14-Д. хўжалигида 250 тонна, Бўстон посёлкасида 500 тонна сабзавот сақлаш қувватига эга бўлган омборхоналар қуриб битказилди.

Буларнинг бари мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги ҳаракатлардир.

Ш. МУҲАММАДИЕВ,
«Жиззахчўлқурилиш» деҳқончилик-саноат бирлашмаси бошлиғи.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ КЎЗГУСИ

Ўттиз беш йил! Айтишга осон. Бир йигит умри. Қўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари айни қизғин тус олаётган пайтлар эди. 1971 йилнинг апрель ойида «Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва суғориш» музейи ташкил топди. «Мирзачўлнинг таслим бўлиши» китобининг муаллифи, қўриқ ер фидойиларидан бири, ёзувчи Пётр Ковалёв музейнинг илк асосчиларидан бири бўлди. Шундан кейинги ўтган йигирма йиллик давр мобайнида музейимизда Мирзачўл қўриғини ўзлаштириш йўлидаги қийин, аммо катта бунёдкорлик ишларини акс эттирган бой ва қизиқарли материаллар тўпландики, у фақат вилоят аҳолисини эмас, балки жумҳурият, Иттифоқ ҳамда жаҳондаги турли мамлакатлардан келаётган кўплаб сайёҳлар, одамлар ва ёзувчилар, таниқли давлат арбобларининг қизиқишларига, диққат ва эътиборига сазовор бўлмоқда.

Музей кўргазма залларида 1956 йилдан сўнг чўлни ўзлаштириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатини акс эттирувчи материалларга кенг ўрин берилган.

Суриялик Абдул Халим шундай деб ёзади: «Совет қишлоқлари коннотни эгаллади-лар, чўл улар учун ҳеч гап эмас. Биргина, Г. С. Титов номли совхоз бундай қаҳрамонликка тенгдир. 4 июль 1969 йил».

«Янгиердаги музейни кўриб, марҳум Акоп Абрамовични эслаб, тўлқиниб кетдим... Унга чуқур ҳурмат ва эҳтиромим бор эди. К. Симонов. 1971 йил».

«Совет халқининг меҳнати характери шўр, қақроқ ерларни ўзлаштириб юборганинга имонимиз комил бўлди ва уни ўз кўзимиз билан кўрдик. Дин Цземин — Хитой халқ хўжалиги ва сув хўжалиги директори, делегация бошлиғи. 4 ноябрь 1987 йил».

Бундай илиқ сўзлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Шу пайтга қадар Янгиердаги янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тарихи музейига дунёдаги 150 дан ортиқ мамлакатлардан келган меҳмонлар ўзларининг қалб сўзларини дастхатларда ёзиб қолдирганлар. Жумҳуриятимиз ҳамда вилоятимиздан эса кейинги икки-уч йилда олти мингга яқин киши ташриф буюрди.

Музейимизга сиз ҳам марҳамат қилинг, азиз муштарий! Унинг эшиги ҳамиша очиқдир.

Йўлдош ЮСУПОВ,
музей директори, меҳнат фахрийси.

БАРДОШ

ҲУЖУМ ШУНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ

Абдунаби Тўраев ўз хонасида оқ қоғозга нималарнидир ёзиб ўтирарди.

— Байрамга сўнгги тайёргарликни кўряпмиз, — изоҳ берди хўжалик партия қўмитасининг котиби, — ҳеч нарса унутилмаслиги керак, оталар мулки биз учун жуда ҳам азиз!

Суҳбатдошимиз ҳикоясини давом эттирди. «Фарҳод» совхози 1957 йилнинг ноябрь ойида ташкил топган. Уша пайтда комсомол йўлланмаси билан совхозга бир вагонда 42 киши келган эди. Тўққиз миллат вакилларидан иборат чўлқуварларни уч киши — совхоз директори, агрономи, комсомол ташкилотчиси кутиб олган эдилар.

Уша куниёқ белгилаб қўйилган жойга иккита чодир тикилди. Бу чодирлар ҳам идора, ҳам ётоқхона вазифасини ўтай бошлади. Ҳозирги кунда Ховос районидаги энг йирик ва гуркираган хўжаликнинг ўттиз беш йил олдинги аҳволини айтиб берсангиз, тўғриси, кўпчиликнинг ишонгиси келмайди. Ваҳолонки, партия ва ҳукуматнинг 1956 йилдаги қароридан сўнг бу ерда дастлабки қадамлар ана шундай қўйилган эди.

Суҳбатдошим эндигина ўттиз бешдан ошибди. Қаранг, ўша йиллари туғилган ўғлонлар эндиликда оталар мулкини асраб-авайламоқдалар, катта хўжаликка етакчилик қилмоқдалар.

БИРИНЧИ ТРАКТОРЧИ

Агар ўттиз беш йиллик тарихдан гап, очиб қолгудай бўлсангиз, одамлар биринчи бўлиб Чори Алиевнинг номини тилга оладилар.

— Хўп ажойиб одам эди,— дейишади уни эслаганлар, — совхозимиз ерига шу одам биринчи бўлиб омоч солган. Биринчи трактор изи ҳам Чори акадан қолган.

Бу гапларни бир эмас, бир неча одамдан эшитдим. Киши қалби қандайдир тўлқинланиб кетаркан...

Чори ака асли қашқадарёлик. Дастлаб у Далварзин чўлига келган. Мирзачўл қўриқ ва бўз ерларига ҳужум миқёси кенгайгандан сўнг, ҳамкасбларининг даъвати билан бу ерда биринчи очилган «Фарҳод» совхозига келган эди. Унинг ўша даврдаги жуда керакли, тўғрироғи, қадрли бўлган касби бор эди. У — моҳир тракторчи эди. Бунинг устига жуда меҳнаткаш, оқкўнгил, ҳар қандай шароитларда ҳам қийинчиликдан нолимайдиган феъли бор эдики, шу туфайли у кишини кўпчилик яхши кўрар ва ҳурмат қиларди.

Чўл бағрида кўп йиллар ишлаган Чори ака ҳалол меҳнати туфайли республикада хизмат кўрсатган механизатор фахрли унвонига сазовор бўлган. Энг муҳими, кўплаб шогирдлар ва халқ орасида ўзидан ёрқин хотира қолдирди. Бундай одамлар унут бўлмайдилар.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИЖОАТ

Жиззах вилоятининг қўриқ Зарбдор районида ҳудудида ажойиб боғ кўзга ташланиб қолганига ҳам икки йилча бўлди. Киравершидаги ёзувлардан боғнинг «Тараққиёт» давлат хўжалигига қарашли «Боғистон» ижара жамоасига мансублигини билиб оласиз. Ижара хўжалигини Мирзачўл фахрийларидан бири, донгдор пахтакор ва боғбон Худоёр Латипов бошқармоқда.

— Фахрли ҳордиққа чиққанимдан кейин ҳам доимо чўлқуварлар сафида бўлишга ҳаракат қиляпман, — дейди Х. Латипов. — Кейинчалик ижара, бригада пудратига ўтила бошлагач, кўпчилик одамлардаги иккиланиш, янги усулга ишончсизлик билан қараш кайфиятидан ташланиб, «Тараққиёт» давлат хўжалигидан 78 гектар ер олдим.

Ҳақиқатдан меҳнат фахрийси ўзининг 70 ёши арафасида шижоатли меҳнат кучоғига қайтиб, замондошларига тадбиркорлик намуналарини кўрсатишга бел боғлагандик. Бунга эришди ҳам. Биргина ўтган йили «Боғистон» ижарачилари саккиз тонна мева, 425 тонна полиз маҳсулотлари етиштирдилар. Жорий йилда эса бунга қўшимча ўн тонна узум, шунча шафтоли йиғиштириб олишмоқчи. Ҳосил асосан район меҳнаткашларига сотиляпти. Унинг бир қисми эса вилоят марказида ташкил этилган савдо расталарига ҳам чиқарилляпти. Хўжаликда мева қуритиш цехи мавжуд. Келгусида қишга мева-сабзавот сақлайдиган омборхоналар қуриш режалаштирилган.

Хуллас, «Боғистон» ижара хўжалиги ишчи-хизматчилари ҳозирги иқтисодий танглик шароитида нафақат ўзларини, балки район, вилоят аҳли манфаатини кўзлаб жон куйдирмоқдалар. Бошқаларни ҳам шунга даъват этишмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Боғистон» ижара хўжалиги ҳақиқий тадбиркорлик намуналарини кўрсатаяпти.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёднома

Мезбон ёки меҳмон билан самимий дилкашлик қилиш, унинг ҳурматини бажо келтириш Шароф Рашидовга хос фазилатлардан бири эди.

СУРАТДА: машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов билан суҳбат.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЛАББАЙГА ҚОДИР ЗОТ

ТАҚВИМДА ажойиб инсонлар, алломалар номларини ўқишимиз оддий туюлади. Лекин ғала-ғовурли ташвишларга ботган бугунги кунда давлат ва партия арбоби, истеъдодли ёзувчи Шароф Рашидовнинг номига кўзимиз тушиши билан азиз ва ардоқли бўлиб туюлади. Негаки, у бутун виждони ва имонини ўз халқи осойишталиги, равнақи ва камолоти йўлига бахшида этди... Буюк аллома зотлар қаторида ўрин олишга лойиқ унинг муборак номини эслаганимизда ногаҳон Улуғ Ватан урушининг ўша оловли, суронли жанг майдонларидан тортиб, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида юз берган улуғвор ўзгаришлару ва Тошкент қурилишларигача, она юртимизда ўтказилган катта анжуманларгача бўлган ҳаяжонли манзаралар бизга ҳамон завқ бериб кўз олдимиздан ўта бошлайди.

Мен ҳар куни хизматга Тошкент метросида келаман. Шунда ҳам унинг номини беихтиёр эслайман. 1966 йилда Тошкент зилзиласи юз бериб Москвадан келган раҳбарлар билан шаҳар қурилиши муҳокама этилаётган оғир дамларда у ана шу жафо чеккан шаҳри азимда ер ости темир йўли қурилиши масаласини кўндаланг қилиб қўйиб, қаттиқ баҳслашгани ва бу оғир, катта ишнинг жадал бошлаб юборилишида мардлик ва собитқадамлик кўрсатганлигини ифтихор билан эсга оламан.

Шароф Рашидов йигитлик чоғидан то умрининг сўнггги нафасигача Ўзбекистон ва унинг халқи ташвишлари билан яшади, комолоти ҳақида ўйлади, халқ хўжалигини тараққий эттириш борасида талай меҳнат қилди.

Мен жумҳуриятимиз кекса рўзномасининг оддий қаламкашиман. Ҳар душанба куни эрталаб биринчи юмушимиз ўтган ҳафта сонларини таҳлил этиладиган хонада собиқ муҳаррирларимиз суратлари орасида унинг сиймоси ҳам алоҳида кўзга ташланади. Устоз публицист ҳар сафар гўё биз билан суҳбатлашиб, меҳнатга, ижодга чорлаётгандек бўлади. У урушдан кейин 1947—1949 йилларда рўзномамизда бош муҳаррир бўлиб ишлаган эди ва жумҳурият халқ хўжалигини тиклаш ҳамда қайта қуриш билан боғлиқ масалаларни шу рўзномада дадиллик билан ёритишда раҳнамолик қилган, ва шу аснода ҳам Ўзбекистон нафаси билан чинакам яшаган эди.

Куни кеча Тошкентнинг гавжум масканларидан бири — Қашқар маҳалласи ўрнида қад ростлаган янги даҳаларда — «Ширин» қаҳвахонасида ўтган маросим Шароф Рашидов таваллудига бағишланди. Бу ибратли тадбирни Тошкент дорилфунунида таълим олаётган жиззахлик юқори курс талабалари уюштирдилар. Етук мутахассис бўлиш арафасида турган ёшлар ўз халқига фарзанд ва авлодига ота, муштипар Ҳурсандой ая (умрингиз узоқ бўлсин она)га садоқатли умр йўлдош, фарзандларига меҳрибон падар, авлодларига муносиб жигарбанд бу зотнинг номи ҳурмат билан ёдга олинди. У ҳақда ибратли ҳикоялар тингланди ва мустақиллик йўлида одим ташлаётган Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари бўлишга аҳду-паймон этилди.

Бу тадбирга Жиззах вилояти ва ноҳияси муассасалари, ташкилотлари, хўжаликларнинг вакиллари ҳам келдилар. Тадбирда қатнашган кўпгина кишилар билан суҳбатлашишга тўғри келди.

Ҳасан РАЖАБИЙ, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи:

— Падари бузрукворимиз академик Юнус Ражабий вафот этганларида Шароф Рашидов хонадонимизга марҳамат қилиб фотиҳада иштирок этдилар ва биз азадор фарзандларнинг ҳар биримизга қайғудош бўлдилар, дардимизни диққат билан тингладилар. Кейинчалик Жиззах вилояти мусиқали театрига отамизнинг муборак номлари берилди. Билсам, Шароф Рашидов отамизнинг ҳофиз ва бастакорлик маҳоратини ғоятда қадрлар, ҳурмат қилар экан. Имоним комилки, Шароф Рашидов жуда кўп одамларнинг қалбига кириб бора олган меҳрибон инсон ҳам эди.

Эргаш бува СОАТОВ:

— Мен Шароф Рашидов билан болалигимдан бирга ўсганман. Фронтда бўлганмиз. Бир сўз билан айтганда у ҳалол одам эди. Ҳаромни кўришга кўзи йўқ эди. Ҳар бир инсонни ана шу Юртнинг бебаҳо бойлиги деб қадрларди. Шунинг учун унинг шаънига отилган тошлар қалтабинлик деб биламан. Ахир, унинг ҳаётида юз берган талай воқеалар ҳикматларга тўла катта китоб бўлади.

Аҳмад АЗИЗОВ, пенсионер:

— Мен урушдан кейин давлат хавфсизлик қўмитасида ишлар эдим. Кунларнинг бирида янги масъулиятли вазифа таклиф қилишди. Шароф Рашидовга шахсий соқчи бўлиб ишга ўтдим. Мен у улуғ инсон билан деярлик ўн беш йил узлуксиз ҳамнафас бўлдим. Хизмат юзасидан жуда кўп жойларга борардик. Бирон марта у кишининг тилида, на хатти-ҳаракатида бирор ножўя иш бўлганини мутлақо кузатган эмасман. Ҳамиша босиқ, вазмин, ўткир мушоҳада билан фикр юритарди. У киши фақат ўз элининг, юртининг ташвишида қалби ёнган жафокаш раҳбар эди. Шунинг учун ҳам у ажойиб инсоний фазилатлари билан йиллар оша авлодларга лаббай деб жавоб бера олишга қодир зот.

Бу маросимда кўп талабалар гапирдилар, таниқли санъаткорлар маҳоратлари билан даврага файз ва тароват киритдилар.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

МАҚОМЧИЛАР КЎРИГИ

БУХОРО ШАҲРИДА МАҚОМ ДАСТАЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ КЎРИК-ТАНЛОВИ БУЛИБ ЎТДИ

Садриддин Айний номидаги вилоят давлат театрида очилган мазкур кўрик-танлов ўзига хос байрам тусини олди. Республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган ҳаваскорлик жамоалари икки кун мобайнида ўзларининг мақомга бўлган муҳаббатини, ўзига хос репертуарларини, маҳоратини намойиш этдилар. Тўғри, уларнинг профессионал ижрочилик қобилиятларини ҳали етук, баркамол дейишга эрта.

Таниқли санъаткорлар, мутахассислар ва маданият ташкилотчиларидан ташкил топган нуфузли ҳайъат ўз хулосаларини чиқарди. Унинг қарорига мувофиқ, иккинчи ўрин Фарғона вилоятининг Ленинград райони мақомчилари ва Хоразм вилояти, Урганч шаҳар маданият уйи қошидаги даста, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом районидаги «Гўзал» жамоасига берилди. Андижон вилоятининг Жалолқудуқ ва Пахтаобод, Бухоро вилоятининг Когон районидаги мақомчилар дасталарига, шунингдек, Жиззах педагогика билим юртининг ҳаваскорлик дастасига учинчи ўрин насиб этди.

Ҳайъат кўрик-танлов ғолибларини табриклаб, ўз хулосаларини якунлар экан, келгусида бўладиган навбатдаги ижодий беллашувда биринчи ўринни қўлга киритишга қодир дасталар ҳам иштирок этади, деб умид билдирди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги, жумҳурият Телевидение ва радиоэшитириши давлат қўмитаси энди 14—15 ноябрларда бўладиган катта ашулачилар ва оилавий дасталар кўригини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

А. ЮСУПОВ.

Суратда: самарқандлик мақомчилар дастаси.

В. ЯРУМИН олган сурат.

ҒУБОР БЎЛМАСИН

Яқин-яқин вақтларгача давримизнинг энг улкан муаммолари ҳақида гап кетгудай бўлса, биринчи галда дунёда тинчликни сақлаб қолиш масаласи тилга олинар, ундан сўнг атроф-муҳит муҳофазаси борасида фикр юритилар эди. Эндиликда совуқ уруш хавфи бирмунча бартараф қилингандай туюлмоқда. Экология, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар кўпроқ кун тартибига чиқмоқдаки, бу бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, умумий тараққиёт олдинга силжиб борган сайин табиатнинг энг олий неъмати бўлмиш хом сут эмган банда ўзи ўтирган шохни янада зўр кучғайрат билан кесишдан тинмаётир. Ҳалокатлар ҳақида бонг урила бошлаганига анча бўлди. Биз эндиликда ҳалокатлар, фожиалар ичра яшамоқдамиз, бутун бошли бир дунёнинг кўз олдимизда қуриб бораётганини ночор кузатиб турибмиз. Ҳа, доно ва одил табиат жамики гуноҳларимиз учун биздан ўч олмоқда!

Қўл қовуштириб туришга эса ҳаққимиз йўқ, албатта. Чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ғойибдан айтилаётган кинояни сезиб турибман: «Орол ҳақидаги чора-тадбирларни айтяпсизми? Бажарилмайдиган, сариқ чақалик нафи бўлмайдиган қарорлар, кўрсатмаларнинг нима кераги бор?».

Эътирозда жон бор. Эсимда, жумҳурият рассомлар уюшмаси томошахонасида намойиш қилинган бир кўргазмада таниқли мусаввир Тўхтаевнинг Орол муаммосига бағишланган туркум ишлари ҳам қўйилганди. Шундай бир манзара кўз олдимдан кетмайди: казо-казо олимлар, раҳбару мутахассислар давра столида ўтириб, дунёни сақлаб қолиш масаласини муҳокама қилишмоқда. Нарироқда эса қуриб-қақраб бораётган дунёгиз. Агар бор-йўқ манзара фақат шундангина иборат бўлганда қизиғи бўлмас, мен ҳам бу ҳақда гапириб ўтирмас эдим. Гап шундаки, ҳалиги одамларнинг... калласи йўқ эди!... Ажойиб рамз!...

Экологик ҳалокатлар ҳақида гап кетганда кимёгар олимлар шаънига таъна-дашномлар айтилади: ҳаммаёқни кимёга, заҳарга тўлдириб юборишди! Гўё ҳамма фожиаларнинг айбдори кимёгарлар эди!

Жумҳуриятимизнинг кимёга, заҳарга тўлиб кетгани рост. Аммо бу фожиада фақат кимёгарларни айблаш тўғри бўлмас...

Мўрисидан қўланса тутун, қора ажал мусаффо ҳавога ўрлаб, атрофни, узоқ-узоқларни аёвсиз заҳарлаётган корхоналар олдидан ўтганимизда фақат димоғимиз эмас, кўнглимизнинг тубтубигача чексиз ғубор чўкади. Зилол сув ўрнига заҳар оқаётган дарёларимизни кўрганда ҳам шундай аҳволга тушамиз. Бу балои қусурлардан қачон қутуларканмиз, дея армон ила хўрсиниб қўямиз.

Қаловини топса қор ёнади деганларидек, астойдил ҳаракат қилинса, нажот топилар экан. Гап ўша заҳарли чиқитларни зарарсизлантириб, экологик жиҳатдан атрофга зиён етказмайдиган тоза технология яратиш ҳақида кетмоқда. Жумҳуриятимиз олимларининг бу борадаги илмий изланишлари маълум самаралар берди. Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қошидаги фан ва техника соҳасида Давлат мукофотлари қўмитаси Ш. Абдуллаев (раҳбар), И. Б. Парижер, Р. У. Рўзиохунов, А. Азимов, А. Тоҳировларнинг «Кимё ишлаб чиқаришининг йирик тоннали чиқитларидан фойдаланган ҳолда экологик соф саноат технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш» (Тошкент лак-бўёқ заводи тақдим этган) деб номланган ишларини Беруний мукофотига номзод сифатида рўйхатга олди.

Тавсия этилган иш ўз номидан ҳам кўринib турибдики, атроф-муҳитимизни ифлослантираётган кимё саноати чиқитларини хом ашё сифатида қайта ишлаб, чиқитсиз технология яратишга бағишланган. Ана шу технология туфайли материалларни емиришдан сақловчи қоплама бўёқ, ноёб қурилиш материали ҳисобланмиш цементни тежаш ва сифатини яхшилаш имконини берувчи ПР—1, С—IV ҳамда автомобиль компрессор ва буғ қозонларида ҳосил бўладиган қўйқани эритиб, ювиб ташловчи АН—1 каби моддалар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ҳозирги кунда бу ихтиролар жумҳуриятимизнинг турли тармоқларида кенг ишлатилмоқда. Олинган соф фойда 2,5 миллион сўмдан ошиб кетди.

Демак, саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, янги материал-модда олинган, чиқитсиз технология яратилган ва бу ишлар ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинган! Шунинг учун ҳам бу ишлар СССР Ихтиролар қўмитаси томонидан муаллифлик гувоҳномаси билан тасдиқланган. Ҳозирги кунда ўзбекистонлик олимларнинг бу ихтиролариga хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШда, Исроил, Югославия, Афғонистонда, мамлакатимизнинг Москва, Санкт-Петербург, Тюмень, Астрахань шаҳарларида, Қозоғистон, Тожикистон ва Арманистонда ҳам талабэҳтиёж катта. Хуллас, профессор Шавкат Абдуллаев раҳбарлигидаги илмий изланишларнинг довруғи жумҳуриятимиздан ташқарига ҳам ёйилмоқда. Бу заҳматкаш олимларнинг самарали меҳнати туфайли Волгоград вилоятининг Волск шаҳрида ҳамда Иваново вилоятининг Заволжск шаҳридаги органик кимё заводларидан чиқиб, Волга дарёсига ташлаб юборилаётган чиқитлар хомашё сифатида ишлатилиб, ундан ПР—1, С—IV, АН—1 моддалари олинди ва мазкур заводлар қошида чиқитсиз технологиялар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ўзбек олимларининг бундай ишлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Чирчиқдаги капролактам заводининг экологияга келтираётган катта зиёни ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўлгани сир эмас. Корхона атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг арз-додлари ҳам муаммони ечолгани йўқ. Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг саъй-ҳаракати бу борада ҳам асқотадиган кўринади. Бу ерда ҳам ўша чиқитсиз технология иш берди. Натижада Тошкентдаги лакбўёқ заводида ва «Композит» ишлаб чиқариш ширкатида ўша заҳарли чиқиндилар қурилиш материалларига айлантирилмоқда.

Профессор Шавкат Абдуллаевнинг Америкадаги БАСС корпорацияси билан ҳамкорликда тузган қўшма корхонаси президенти сифатида олиб бораётган фаолиятида ҳам экологик муаммолар муҳим ўрин тутади.

Хайрли, савоб ишларга астойдил бел боғлаган ва бу борада элу юртимизга катта фойда келтираётган заҳматкаш олимларнинг юқоридаги ихтиролари ўзининг муносиб баҳосини олади, деб умид қиламиз.

Шодмон ОТАБЕК.

• Беруний мукофотига номзодлар

СПОРТ

ҒОЛИБЛАР САФИДА

● ҚИРҒИЗИСТОН пойтахтида самбо кураши бўйича Бутуниттифоқ беллашувлари ўтказилди. Мусобақада 23 шаҳардан тўпланган 168 нафар полвон қатнашди. Қизғин ва муросасиз беллашувларда муваффақиятли куч синашган тошкентлик Ю. Горякин ғолиблар сафидан жой олди.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

● ҚЕЧА биринчи лига футбол жамоалари ўртасида чемпионатнинг якунловчи тур ўйинларидан бири бўлиб ўтди. Зотан, «Ротор» футболчилари муддатидан олдин ғолибликни таъминлашган эди. Уларнинг ҳисобида 57 та очко бор. Фахрли ўринларга даъвогарлик қилаётган «Тилигул» 52 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. «Уралмаш» ва «Ростсельмаш» жамоалари ҳисобида 48 тадан очко бор.

МАВҚЕНИ МУСТАҲКАМЛАБ

● ШАРҚИЙ минтақа футбол жамоалари ҳам мавсумни якунлашмоқда. «Океан» футболчилари 61 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибдилар. «Копетдоғ» ҳисобида 58 та очко бор. «Олға» 54 та очко тўплаган. Республикамизнинг «Нурафшон», «Сўғдиёна», «Автомобилист», «Косонсойчи» футболчилари ҳам навбатдаги учрашувларда ғалаба қозониб, мавқеларини мустаҳкамлашди.

ТЕГИРМОН ИШ БОШЛАДИ

Навоий районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги эски тегирмон қайта таъмирланди. Ҳозир бу ерда колхозчилар ғалласи тортиб бериляпти ва меҳнат аҳлининг унга бўлган талаби баҳоли қудрат қондирилаяпти. Бу йил хўжалик хонадонларига 70 тонна буғдой тарқатилди. Уруғлик учун ҳар бир оилага 30 килограммдан буғдой сотилди.

Шунингдек, ҳар жуфти 5 минг сўмлик тегирмон тоши ҳам ишлаб чиқарилаяпти. Тоҳир Дониев, Николай Иванченко каби тажрибали ишчилар меҳнатидан қишлоқ аҳли мамнун бўлишяпти.

Е. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ

ўзбек ва рус тилларини биладиган профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга КАФЕДРАЛАР БУЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: энтомология ва ўсимликларни яхлитлаштирилган ҳолда муҳофазалаш (0,5), сабзавотчилик ва ўсимликшунослик;

мудирлар: ноорганик ва аналитик кимё, ўрмоншунослик ва ўрмондаги дарахтларнинг ҳажми ва миқдорини аниқлаш, иқтисодий кибернетика, маданият, ижтимоий руҳшунослик ва педагогика;

доцентлар: хўжалик фаолиятининг таҳлили, бошқарув ва совет ҳуқуқи (2), қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси ва физиологияси, ўсимликлар физиологияси ва биокимё: маданият, ижтимоий руҳшунослик ва педагогика, бухгалтерия ҳисоби ва молия (2), мевачилик ва узумчилик (3), иқтисодий кибернетика, агросаноат мажмуининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари (2), органик кимё (2), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофазалаш, умумий ва хусусий зоотехния, ўрмоншунослик ва ўрмондаги дарахтларнинг ҳажми ва миқдорини аниқлаш, табиатни муҳофазалаш, фитопатология ва микробиология, социализм назарияси ва сиёсатшунослик, социалистик қишлоқ хўжалиги иқтисоди, пахтачилик;

катта ўқитувчилар: бухгалтерия ҳисоби ва молия (2), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофазалаш, фуқаро мудофааси туркуми;

ўқитувчилар: рус тили (2), чет тиллар (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларда)—3, рус тили, чет тили сифатида, ўзбек тили, жисмоний тарбия (2);

ассистентлар: хўжалик фаолиятининг таҳлили, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси ва физиологияси, бухгалтерия ҳисоби ва молия (3), умумий ва хусусий зоотехник (3), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш (5), мевачилик ва узумчилик, ипакчилик ва тутчилик (3), иқтисодий кибернетика, маданият, ижтимоий руҳшунослик ва педагогика (2), ноорганик кимё, ўсимликшунослик, ижтимоий-сиёсий тарих, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофазалаш, ўрмон мелиорацияси, фалсафа, ҳисоблаш техникаси ва информатика (2), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши энергетикаси, ботаника, энтомология ва ўсимликларни яхлитлаштирилган ҳолда муҳофазалаш, бошқарув ва совет ҳуқуқи (3).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар, танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, Халқлар дўстлиги орденли Тошкент давлат аграр дорилфунуни.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НИШОНДОРИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

олий билимгоҳга тайёрлаш куллиёти қошидаги олий билимгоҳга кирувчилар учун ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

7 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

Унда инглиз, немис ва француз тилларини ўрганиш ташкил қилинади.

Бундай курсларга чет тилини турли даражада биладиган тингловчилар қабул қилинади.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 16.30 гача қабул қилинади.

ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 63-алоқа бўлими, Олмазор кўчаси, 183-уй, 6-бино, 4-қават. Олий ўқув юртига тайёрлаш куллиёти.

УЙ 64/НЗ—1 МУАССАСАСИГА

30 ёшгача бўлган, соғлом, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган эркаклар назоратчи лавозимларига

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бошланғич тайёргарликни ўтагандан сўнг «ички хизмат прапоршчиги» махсус унвони, кейинчалик эса «ички хизмат катта прапоршчиги» унвонлари берилади.

ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ — 350—400 СУМ.

Уй-жойга муҳтожлар муассаса ётоқхонасида жой билан таъминланадилар. Шаҳарда ҳужжати қайд этилганлар 3 йил давомида уй-жой олиш учун навбатга ёзиладилар.

Хизматга қабул қилинган шахслар икки йил ўтгандан сўнг СССР Ички ишлар вазирлигининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун тавсиянома оладилар. Муассаса томонидан жўнатилган ва ўқув юртига кирганлар учун бутун ўқиш даври давомида лавозим маошлари сақлаб қолинади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сиртқи ва кечки куллиётларида ўқиётган шахсларга кўзда тутилган қонунларга мувофиқ имтиёз ва тўловлари сақланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 58-алоқа бўлими, Наманган кўчаси, 1-уй (19, 156, 165-автобуслар; 26, 28, 152, 153-маршрутли таксиларнинг «Жаҳон Обидова кўчаси» бекати):

Телефон: 62-70-21.

Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси, «Ўзкитоб» бирлашмаси жамоалари, бирлашма бошлиғининг собиқ ўринбосари, уруш ва меҳнат фахрийси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими, шахсий нафақахўр

Мурод ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси ССЖИ Кинематографчилар уюшмасининг аъзоси А. М. Ҳўжаевга отаси

Махсум Матмусаевич ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият Телекўрсатув Маркази жамоаси марказнинг Бош телеоператори М. И. Муслимовга отаси

Имом МУСЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий саноат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат, коммунал-хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмасининг марказий қўмитаси жамоалари «Ташинтерм» бирлашмасининг бош директори

Мирзааҳмад СУЛТОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Мусиқа жамғармаси идоралари, жамоат ташкилотлари бастакор, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати А. М. Мансуровга онаси

Раҳимахон МУМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар «Метални қайта ишлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашманинг собиқ директори

Мирзааҳмад СУЛТОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 6281.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди—20.00

№ 215.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.